

6. Туристик ҳудуд барқарор рацобатбардошлигининг З тамоилии БухДУ, и.ф.н. Н.С.Ибрагимов. "Buxoroda islom madaniyatini modernizatsiyalash va turizmni barqaror rivojlantirish istiqbollari" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya maqolalar to'plami. 2020-yil 24-fevral. – Buxoro: 2020.«Туризм, таълим ва иқтисодиёт тармоқлар интеграцияси» мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияси. 25.05.2018.

7. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма: Учеб. пос. – М.: Финансы и статистика, 2003. - 176 с.

8. Зорин И.В., Квартальнов В.А. Энциклопедия туризма. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 368 с.

9. «Туризм, таълим ва иқтисодиёт тармоқлар интеграцияси» мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. 2018 йил 25 май. – Бухоро, 2018. -572 б.

10. Асланова Д., Алимова М. Самарқанд вилоятида ҳудудий туристик кластер шаклланишининг концептуал асослари. // Biznes -эксперт. №9 (105). 2016 й.

11. Umirova D.S. Improving regional tourism on the basis of innovative approach (as an example of Kashkadarya region). Abstract of the dissertation of Doctor of Philosophy (PhD) in Economics. – T.: TSEU, 58 p. (16-18) 2022.

12. Umirova D.S. Improving regional tourism on the basis of innovative approach (as an example of Kashkadarya region). Abstract of the dissertation of Doctor of Philosophy (PhD) in Economics. – T.: TSEU, 58 p.(19-20) 2022.



РАҚАМЛИ ТУРИЗМ МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА

doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a73

Ташпулатова Лайло Маратовна -
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия

университети и.ф.н., доценти

Суюнова Фотима Баходир қизи -

Тошкент давлат шарқшунослик
университети стажёр ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу тадқиқотнинг мақсади рақамли туризмнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ўсишига таъсирини таҳлил қилишдир. Шунингдек, туризм соҳасида жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган тенденциялар ўрганиб чиқилди ҳамда мақолада Ўзбекистонда электрон тижоратнинг ривожланиши тенденциялари ва ЯИМдаги улуши таҳлил қилинди. Мақола яқунида эса рақамли иқтисодиёт даврида Ўзбекистон туризм саноати дуч келаётган муаммолар ва таклифлар берилган.

Калим сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамли платформалар, туризм саноати, он-лайн сайёҳат бозори.

ЦИФРОВОЙ ТУРИЗМ КАК КЛЮЧЕВОЙ ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА СТРАНЫ

Ташпулатова Лайло Маратовна -
Университет мировой экономики и дипломатии к.э.н доцент

Суюнова Фотима Баходир қизи -

Ташкентский государственный университет
востоковедения, стажёр-преподаватель

Аннотация. Целью данного исследования является анализ влияния цифрового туризма на экономический рост Республики Узбекистан. Также были изучены тенденции, происходящие в мировой экономике в секторе туризма. В статье описаны тенденции развития электронной коммерции в Узбекистане и ее доля в ВВП. В заключении статьи были рассмотрены проблемы, с которыми сталкивается туристическая индустрия Узбекистана в эпоху цифровой экономики, приведены практические предложения.

Ключевые слова: цифровая экономика, цифровые платформы, индустрия туризма, рынок онлайн-туризма.

DIGITAL TOURISM AS A KEY FACTOR IN INCREASING THE COUNTRY'S ECONOMIC GROWTH

Tashpulatova Laylo Maratovna -
University of World economy and diplomacy, Associate Professor

Suyunova Fotima Bahodir qizi -

Tashkent state university of oriental studies, trainee teacher

Abstract. The purpose of this study is to analyze the impact of digital tourism on the economic growth of the Republic of Uzbekistan. The trends occurring in the global economy in the tourism sector were also studied. The article also describes the trends in the development of e-commerce in Uzbekistan and its share in GDP. At the end of the article, the problems faced by the tourism industry of Uzbekistan in the era of the digital economy and proposals on them were presented.

Keywords: digital economy, digital platforms, tourism industry, online tourism market.

Кириш. Туризм соҳаси дунё иқтисодиётининг энг жадал ривожланаётган соҳаларидан биридир. Унинг кенг қамровли тараққиёти эса кўплаб мамлакатлар учун катта даромад манбаига айланмоқда. Технологик тараққиёт ва туризм узоқ вақтдан бери бир-бiri билан узвий боғланиб келмоқда. Сўнгги йилларда ақлли телефонлар, планшет ва компьютерлар каби мобил қурилмалардан фойдаланиш сезиларли даражада ошди. Бугунги кунда ўзгарувчан глобал жамиятда ахборот-коммуникация технологиялари эволюцияси иқтисодий ривожланишнинг асосий омили ҳисобланмоқда. Ушбу эволюция глобал туризм саноатини тубдан ўзгартириб, ривожланишнинг янги истиқболларини таклиф қилди, айниқса, ташкилотнинг рақобатбардошлигини ошириш нуқтаи назаридан. Хусусан, меҳмондўстлик саноати учун Интернет тақдим этилаётган маҳсулотлар ва хизматлар тўғрисида маълумот тарқатишни максимал даражада оширишга катта ҳисса қўшмоқда.

2021 йилда саёҳат ва туризмнинг глобал ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) умумий ҳиссаси 2020 йилга нисбатан 21,7 фоизга ўсди. Умуман олганда, саёҳат ва сайёҳлик 2021 йилда жаҳон ЯИМга 5,81 триллион доллар ҳисса қўшди, ушбу кўрсаткич 2020 йилда коронавирус (СОВИД-19) пандемияси туфайли кескин пасайганидан сўнг қарийб бир триллион долларга ўсди, аммо пандемиядан олдинги даражадан пастлигича қолмоқда [1].

2018 йилда Шри-Ланка жозибадор сайёҳлик йўналиши сифатида мамлакатнинг кенг кўламли рақамли тарғиботини ташкил этди, бунинг натижасида 2,5 миллион сайёҳ жалб қилишга эришди. Индонезия 2000 дан ортиқ турли уй билан Travel Exchange (ИТХ) орқали пентхаус ва виллаларни он-лайн брон қилишни ишга туширди. Бу иловада 2000 дан ортиқ турли уйлар ва апартаментлар тақдим этилган [2].

Ўзбекистонда рақамли туризмни ривожлантириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз томонидан Е-теҳмон тизими ишга туширилди. Бу веб-сайт орқали сайёҳлар ўз ташрифларини рўйхатдан ўтказишлари керак бўлади. Янги тизим давлат идоралари билан боғланиш зарурати йўқлиги қоғозбозликдан халос қилгани учун вақтни тежайди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида турли қонун ва қарорлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли Ўзбекистон – 2030» [3] стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонида туризм соҳасини рақамли трансформация қилиш тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида

туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги [4] Президент фармонида туризм хизматлари экспортини 2025 йилда 2170 млн. АҚШ долларига тенг қилиш кўзда тутилган. Бу эса ўз навбатида, туризм соҳасини ривожлантириш нақадар зарурлигини таъкидлайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Халқаро туризмнинг мамлакатлар иқтисодий тараққиётига таъсири ҳамда рақамли трансформация жараёнида ушбу соҳада бўлаётган ўзгаришлар хорижий мамлакатлар олимлари томонидан назарий, услубий ва илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ этилмоқда. Rijia Ding ва Meng Huang (2021) фикрига кўра, “Интернет плюс туризм” иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Уларнинг таъкидлашича, Интернет томонидан олиб борилган технологик инновациялар ишлаб чиқариш тизимларига янги ўзгаришларни олиб келади, бизнес инновацияларини тезлаштиради ва корхоналарга тобора мукаммал рақобат бозорида рақобатбардошлигини сақлашга имкон беради [5].

Циммерман (2018) рақамли трансформация жараёнида юзага келадиган бизнесни ташкил этишдаги туб ўзгаришларга эътибор қаратди. Рақамли иқтисодиётни шу нуқтаи назардан ўрганиш тадбиркорларга рақамли технологияларнинг барча афзалликларидан фойдаланган ҳолда ўз бизнесини куриш имконини беради, деб ҳисоблайди [6].

Rui Tang (2021) туризм соҳасини рақамлаштиришнинг иқтисодиётга таъсирини математик модель орқали ифодалаган. Унинг фикрига кўра, рақамли иқтисодиёт глобал туризмни ривожлантиришда ҳаракатлантирувчи кучга айланиб бормоқда [7].

Carmen Bănescu1, Cristina Bobo (2020) «Туризм баъзи минтақаларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий салоҳиятидан фойдаланиш, уларнинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш ва бошқа минтақалар билан алоқаларни ўрнатиш ёки мустаҳкамлашда муҳим восита ҳисобланади» деб таъкидлайди [8].

Рақамли туризмнинг иқтисодий ўсишга таъсирини Aizhan Kurmangalieva (2018) таҳлил қилган. Интернетнинг имкониятлари потенциал сайёҳлар учун жозибадор бўлиб, улар мустақил равишида ташриф буюрмоқчи бўлган мамлакат билан танишишлари, диққатга сазовор жойлар ва меҳмонхоналар ҳақида билиб олишлари, шунингдек, маҳаллий яшаш шароитлари ҳақида таассусот қолдиришлари мумкин. “Аста-секин саёҳатчилар электрон визалар ва электрон чипталар каби янгиликларга тобора кўпроқ ишонишни бошладилар ва улардан фойдаланишини бошладилар, бу эса рақамли туризмнинг

жадал ривожланиши ҳақида гапиришга имкон беради" деб ҳисоблайди [9].

Khurram Shehzad, Xiaoxing Liu (2019) Хитойнинг туризмни ривожлантириш учун ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва Ипак йўли инфратузилмасининг ролини ўрганиб чиқди. Бундан ташқари инфратузилма Хитойда халқаро туризмни ривожлантиришда муҳим роль ўйнашини таъкидлашган [10].

Brennen ва Kreiss (2016) рақамли иқтисодиёт сунъий интеллект, булутли ҳисоблаш ва мобил алоқа каби рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши асосида пайдо бўлди, деб таъкидлашган [11].

N.Akhtar, N.Khan, M.Mahroof Khan, S.Ashraf, M.S.Hashmi, M.M.Khan ва S.S.Hishan (2021) Covid-19 пандемиясининг туризм соҳасига таъсирини таҳлил қилишган. Уларнинг фикрича, айнан пандемия туризм ривожланишини янги босқичга олиб чиқди. Рақамли технологияларни туризм соҳасига татбиқ қилиш нақадар долзарблигини яна бир бор исботлади [12].

O.Rakhimov (2022) туризм соҳасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, барча хизматлар истеъмолчилари, ҳам маиший хўжаликлар, ҳам давлат органлари, ҳам фаолияти муайян меъёрий-хуқуқий хўжатлар билан тартибга солинадиган туризм соҳасидаги фирмаларга таъсир кўрсатадиган мураккаб жараёндир, деб таъриф берган. Ички ва ташқи муҳитнинг мос омилларини шакллантиришда туризм соҳасидаги корхона ўз фаолиятини рақамли ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитларга эга [13].


Тадқиқот методологияси. Мақолани тайёрлашда маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тизимлаштириш, ретроспектив таҳлил, маълумотларни қиёсий ва статистик таҳлил қилиш, мамлакатларнинг рақобатбардошлигини оширишда рақамли иқтисодиёт бўйича хуласалар ва тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар.

Бутунжаҳон саёҳат ва туризм Кенгаши ҳисоботига кўра, туризм кўплаб мамлакатлар учун асосий валюта манбаи ва асосий саноат бўлиб қолмоқда. Сўнгги ўн йилда АКТ ва ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши сайёхлик ва меҳмонхона соҳаларига кескин таъсир кўрсатди, чунки сўнгги йилларда технологиялар ва туризмнинг жадал алоқаси туризм секторининг моҳияти ва унинг иқтисодий самарадорлигини тушунишда зарур ўзгаришларга олиб келди.

Туризм ва меҳмондўстлик саноатида самарали ва юқори тезликда АКТ инфратузилмаси ва дастурий таъминот туризмни ривожлантириш учун жуда муҳимдир. АКТ мижоз ва бошқарув ҳамда таъминот занжири ўртасидаги муносабатларни турли хил операцияларни осонлаштирадиган ягона манбага бирлаширишга имкон беради: маҳсулотни танлаш, буюртма бериш, бажариш, кузатиш, тўлаш ва ҳисбот бериш, уларни бир марта қўллаш учун қулагай воситани бажариши керак. АКТ охир-оқибат харажатларни камайтиради, провайдернинг истеъмолчи билан бевосита алоқада бўлишига олиб келади, шунингдек, АКТ ускуналарини зарур техник хизмат кўрсатиш натижасида иш билан таъминлашга таъсир қиласи. Туризм компанияларидаги бошқарувчилар АКТдан бир қатор вазифаларни бажариш учун фойдаланадилар, хусусан, он-лайн бронлашда фойдаланади. Бу эса ўз навбатида, самарадорликни оширади.

Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти. Республикада 9608 дан зиёд маданият обьектлари мавжуд. Шундан 7300 дан зиёди қадимий архитектура ва археологик обьектлар ҳисобланиб, уларнинг 200 таси ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Уларнинг асосий қисми Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термиз, Кўқон ва Тошкент шаҳарларида жойлашган [14]. Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари ёши 2750 йилдан зиёд. Самарқанд – дунёning энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Римнинг тенгдоши.



1-расм. Ўзбекистонда халқаро туризмнинг тушумлари (умумий экспортга нисбатан %)

Манба: World Bank Open data [15], муаллифлар томонидан ҳисобланган.

Ҳозирги пайтда Кўриқланадиган табиий худудлар миллий тизимиға 8 та қўриқхона, 2 та табиий ва 1 та миллий боғ, 1 та биосфера резервати, 7 та табиий ёдгорлик, 3 та табиий питомник, 12 та заказник, 25 дан зиёд сувни химоялаш зонаси, қирғоқ бўйи полосалари ва ер ости сувлари шаклланиши зонаси, 72 та ўрмон хўжалиги ва 5 та давлат ўрмон овчилик хўжалиги киради. Кўриқланадиган табиий худудлар тизими дашт экотизимларининг 3,5 %и, тинч ўрмонларнинг 3 %ига яқин қисмини ва тоғ экотизимларининг 14 %ини қамраб олади.

Туризм соҳасининг умумий экспортдаги улуши 2018-2019 йилларда ўртача 10 %ни ташкил этган. Аммо пандемия сабабли давлатларда қатъий карантин бўлгани учун туризм соҳаси жуда катта йўқотишга юз тутди. Ўзбекистонда 2020-2021 йилларда туризмнинг экспортдаги улуши тўрт бараварга қисқарди ва 2,7 %ни ташкил қилди.

Халқаро туризмни ривожлантириш учун бизнинг диёр жуда катта салоҳиятга эга. Йигирма йил аввал Ўзбекистонни ҳеч ким истиқболли туризм худуди сифатида билмас эди. Мустақилликка эришилгач, давлат томонидан туризм соҳасида янги тамойиллар ишлаб чиқилди. Ҳукумат томонидан туризм соҳасини модернизация қилиш, давлатда транспорт ва меҳмонхона инфратузилмасини яхшилаш ҳамда туризмда норматив-ҳуқуқий базани мукаммаллаштириш соҳаларида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Туризм маҳсулотларини хорижда танитиш мақсадида "Мега-инфо-тур" – танишув сафарлари маркетинг лойиҳаси хорижий туристик компаниялар ва оммавий ахборот вакиллари учун амалга оширилиб келинмоқда. Шу каби сафарлар туристик мавсумларни кенгайтириш, ватанимизга келувчи туристларнинг оқимлари муддатини оптималлаштириш ҳамда Ўзбекистонда ҳар бир фасл туристлар учун ўзига хос бўлишини кўрсатиб беришда муҳим роль ўйнайди.

1-жадвал

Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг ЯИМдаги улуши

Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат сектори	1,9	2,1	2,3	2,1	1,8	2,0	2,6
Ахборот- коммуникация технологиялари (АҚТ) сектори	1,8	2,0	2,1	1,9	1,6	1,7	1,8
АҚТ ишлаб чиқариш	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
АҚТ савдоси	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
АҚТ хизматлари	1,6	1,8	1,9	1,7	1,4	1,5	1,6
Контент сектори ва оммавий ахборот воситалари	0,1	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2
Электрон тижорат				0,0	0,0	0,1	0,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси [16].

Электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг ЯИМдаги улуши кам бўлганига қарамай, ўсувлан трендга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги 3724-сонли "Электрон тижоратни ривожлантиришни жадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги фармонини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси халқаро ахборот тизими (*Silkroad.uz*)ни ишга туширди. Бу меҳмонларга зудлик билан брон қилиш имкониятини беради, рўйхатдан ўтиш жараёнини тезлаштиради, хизматлар учун тўловни меҳмонлар учун ҳам, меҳмонхона ходимлари учун ҳам тез амалга оширишда қулайлик яратади.

Госкомтуризм тест режимида ягона брон тизимини ишга тушириш орқали тадбиркорликни ривожлантиришга ҳисса қўшди. Ушбу тизимнинг асосий афзаллиги меҳмонхоналардаги хоналар сонини ва реал вақтда хонани брон қилиш тўғрисидаги маълумотларни ишончли на-

мойиш этишdir. Тизим сизга давлат божларини тўлашнинг автоматик ёзувларини юритишига имкон беради, ҳисботларни тақдим этишни соддалаштиради, инсон омили туфайли хатолар даражасини камайтиради.

Хулоса ва таклифлар. Рақамли туризм замонавий амалиётда ниҳоятда жадал ўсиб бораётган ҳодисадир. Фаол ҳаракатлар туристик оқимлар доирасида одамлар ўз йўналиши ва қабул қилувчи худудларга таъсири жиҳатидан фарқ қиласи. Иқтисодий тизим табиатан даврий бўлиб, бу ерда ҳаражатлар ва даромадлар оқими мунтазам равишда тақрорланади. Шунингдек, пандемия рақамли платформалар туризм соҳасида нақадар чуқур аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор исботлади. Рақамли туризм бир қатор афзалликларга эга:

1) мақсадли бозорлар билан танишиш ва маълумот тарқатишнинг энг самарали усули;

2) истеъмолчилар учун туристик пакетларни сотиб олишнинг тез ва осон усулини тақдим этади;

3) истеъмолчилар учун хизматларни яхшилаш имконини беради;

4) туристик маҳсулотларнинг сифатини ошириш бўйича якка тартибдаги истеъмолчи фикр-мулоҳазасини сақлаб қолади;

5) харажатларни камайтиради ва ички функционаллик ва сотиб олиш самарадорлигини оширади;

6) гиперматнли алоқаларни таъминлаш орқали анъанавий рақобатчилар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантиради.

Ўзбекистонда рақамли туризмни ривожлантириш мақсадида турли иловалар яратилмоқда. Саёҳатчилар учун асосий ишланмалардан бири турли туристик хизматларни ўз ичига олган *Uzbekistan Pass* лойиҳаси бўлди.

Uzbekistan Pass Ўзбекистонда туристик хизматларнинг кенг спектрини тақдим этувчи биринчи ва ҳозиргача ягона миллий маҳсулот ҳисобланади. Ушбу дастур мамлакатда ақлли туризмни ривожлантириш учун платформа бўлиши мумкин. Илова Ўзбекистонда мавжуд жойлар ва хизматлар билан интеграция қилинган.

Uzbekistan Pass дастурида SOS тутгаси ишлаб чиқилди. Фавқулодда вазиятларда сайёҳ ушбу тутгани босиш орқали ёрдам олиши мумкин ва чегирма картаси эгаси фаоллаштирилганда, автоматик равища тиббий суғуртани олади. "Mobil Navigator" дастур фойдаланувчилари учун ҳам мавжуд. Ушбу хизматдан фойдаланган ҳолда турист автоматик равища белгиланган йўналиш, саёҳат вақти, шунингдек, *Uzbekistan Pass* чегирма картаси бўлса, унга чегирма бериладиган энг яқин муассасалар тўғрисида тўлиқ маълумот олади. Илова фойдаланувчилари ушбу картани олишлари мумкин, бу уларга меҳмонхоналар, кафелар, ресторонлар, маданий ва тарихий муассасаларда эсдалик совғаларини сотиб олиш ва автомобиль хизматларидан фойдаланишда чегирмаларга эга бўлишларига имкон беради.

Ўзбекистонда иқтисодиётни рақамлаштиришнинг замонавий тенденциялари ва уларнинг туризм соҳасини ривожлантиришга таъсирини ўрганиш асосида қуйидаги хулоса ва таклифларни келтиришимиз мумкин:

1. Ўзбекистон улкан сайёҳлик салоҳиятига эга. Бой табиий салоҳият, маданий ва тарихий мерос объектларининг мавжудлиги, меҳмонхона ва курорт бизнесининг ривожланиши, туристик хавфсизликнинг юқори даражаси, барқарор сиёсий вазият ва шу кабилар уни янада ривожлантириш учун кулай омиллардир. Шу сабабли қонунчилик базасини янада тақомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

2. Шу билан бирга, жозибадор табиий ва маданий бойликлар кўплигига қарамай, туризм салоҳиятини ташкил этувчи бошқа муҳим параметрларда камчиликлар, жумладан, транспорт ва туризм инфраструктурасидаги айrim муаммалар мавжуд бўлиб, уларнинг ечими туристлар ташрифлар сони ва харажатларига боғлиқ.

3. Рақамли технологияларни жорий қилиш. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бугун кунда туризм саноати анъанавий шаклдан онлайн шаклга ўтди. Бу дегани истеъмолчилар қулийлик нуқтаи назаридан онлайн платформаларни танлашяпти. Ўзбекистонда рақамли платформаларни амалиётга татбиқ қилиш ўйлган, аммо уларни Booking.com ва Expedia.com халқаро тизимларига улаш мақсадга мувофиқ.

4. Рақамли ва коммуникация технологиялари туризм қиммати занжиридаги энг фойдали фаолиятнинг марказида. Шу боис туризм хизматларини кўрсатиш бўйича инновацион ечимларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, дестинациялар маркетинги ва тарғиботини тақомиллаштириш, шунингдек, таълим воситалари ва рақамли туризм контентини ривожлантиришни кўллаб-куватлаш зарур.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.statista.com/statistics/233223/travel-and-tourism--total-economic-contribution-worldwide/>
2. <https://review.uz/post/cifrovizaciya-turizma?q=big%20data&ysclid=19kq3xpkd444986132>
3. <https://lex.uz/docs/4143188>
4. <https://lex.uz/docs/4143188>
5. Rijia Ding, Meng Huang. "The Spatial Difference of "Internet plus Tourism" in Promoting Economic Growth" School of Management, China University of Mining and Technology (Beijing), China, 2021. <https://doi.org/10.3390-su132111788>
6. Zimmerman H.D. Understanding the Digital Economy: Challenges for New Business Models. 2018. (pp. 729-732). AMCIS 2000 <http://aisel.aisnet.org/amcis2000/402>.
7. Rui Tang «Digital economy drives tourism development – empirical evidence based on the UK». // Economic Research-Ekonomska Istraživanja, 2022. <https://doi.org/10.1080/1331677X.2022.2094443>
8. Carmen Bănescu1, Cristina Bobo. «Tourism in Digital Era». // Bucharest University of Economic Studies, Bucharest, Romania, 2020. <https://doi.org/10.2481/BASIO/2021/07/016>
9. Aizhan Kurmangaliev, Mark Watkin. «Digital tourism as a key factor in the development of the economy». <https://doi.org/10.21003/ea.V169-08>
10. Khurram Shehzad, Xiaoxing Liu. «Revolutionising tourism development in China: an effective role of ICT and Western Silk Road project». <http://DOI:10.1080/10941665.2019.1653334>
11. Brennen J.S. & Kreiss D. Digitalization. The International Encyclopedia of Communication Theory and Philosophy. 2016. 198 (10), 1-11.
12. Rakhamov Z.O. «The importance of the development of the digital economy in the field of tourism in Uzbekistan». <http://DOI:10.37547/builders-v2-i2-33>
13. Akhtar N., Khan N., Mahroof Khan M., Ashraf S., Hashmi M.S., Khan M.M. & Hishan S.S. Post-COVID 19 tourism: Will digital tourism replace mass tourism? Sustainability, 2021, 13 (10), 5352. <https://doi.org/10.3390-su13105352> [Crossref], [Web of Science ®]
14. <https://invest.gov.uz/uz/investor/tourism/>
15. <https://data.worldbank.org/indicator/ST.INT.RCPT.XP.ZS?locations=UZ>
16. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/raqamli-iqtisodiyot>